XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахрда яшаган накшбандия таълимотининг йирик вакилларидан Хожа Ахрори Валийнинг устози бўлмиш мавлоно Яъкуб Чархий Газна (Афгонистон) шахрига тобе кишлоклардан бири хисобланган Чархда тугилганлиги учун Чархий тахаллусини олгандир. Манбаларнинг гувохлик беришича, у ўз давридаги илмларни эгаллагач, кўнглида тасаввуфга нисбатан хохиш пайдо бўлиб, Бухорога келади ва Хожа Бахоуддин Накшбанд билан учрашади. Бу вокеаларнинг тафсилота унинг «Рисолаи унсия» («Дўстлик хакида рисола») номли китобида баён килинган.
Бир неча синовлардан сўнг, Хожа Бахоуддин'Накшбанд Чархийни шогирдликка кабул килиб, сўфийлик таълимоти билан таништиради ва уни ўзининг шогирди ва куёви Хожа Алоуддин Атторнинг тарбиясига топширади. Бухорода Яъкуб Чархий тасаввуф сохасида тез орада маънавий камолот топади ва Чагониёнда фаолият кўрсата бошлайди.

Яъкуб Чархий Накшбанд кўрсатмасига мувофик халкни хак йўлига даъват кила бошлайди. Ўз асарлари ва етиштирган шогирдлари билан шухрати хар томонга таркалади. У асосан Мовароуннахрда Улугбек, Хуросонда эса Шохрух даврларида фаолият кўрсатди. Кейинчалик Накшбандия таълимотининг XV асрдаги энг йирик намояндаси бўлиб танилган Насириддин Убайдуллох (Хожа Ахрори Валий) Чархийнинг шон-шухратини эшитиб, у билан учрашишга ошикади ва пировард-натижада уни пир тутиб, унга шогирд тушади. Бу вокеанинг тафсилота «Рашахот»да баён килинган.

Чархий XV асрда Темурийлар давридаги тасаввуф, хусусан Накшбандия таълимотининг йирик вакилларидан бири сифатида ном козонади. Бу хакца турли манбаларда маълумотлар келтирилади. Машхур Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафохот ул-унс» китобида Яъкуб Чархий фаолияти ва тасаввуфни таргиб килиш сохасидаги хизматларини алохида таъкидлаб ўтади ва Хожа Ахрори Валий билан устоз-толиб муносабатларини тилга олади.

Мавлоно Яъкуб Чархий ўз устози Хожа Бахоуддин Накшбанднинг «мендан нимаики сенга етган бўлса, бошкаларга етказ», деган амрларига фармонбардор бўлиб, хозир бўлганларга хитоб (сўзлаш) оркали, гойибдагиларга китоб оркали етказишга харакат килди.

Мавлоно Яъкуб Чархий Накшбандия таълимоти, турли диний илмга оид бир канча асарлар ёзадики, бу ерда уларнинг рўйхатини келтириб ўтиш максадга мувофикдир:

1. «Тафсири Чархий» («Чархийнинг Куръонга килган тафсири»).
2. «Рисолаи унсия» («Дўстлик хакида рисола»).
3. «Ар-рисолат ул-абдолия» («Абдоллар хакида рисола»).
4. «Рисола дар сийрати Мустафавия ва тарикаи мустакимия» («Мустафонинг сийратлари ва тўгри йўллар хакида рисола»).
5. «Рисола дар илми фаройиз» («Фарз нарсалар хакида рисола»).
6. «Рисола дар акоид» («Акоид илми хакида рисола»).
7. «Рисола фи-л-хисоб ва-л-фаройиз» («Хисоб ва мерос таксими хакида рисола»).
8. «Мухтасар дар баёни силсилаи Нахшбандия» («Накшбандия сулуки хакида кискача

рисола»).
9. «Шархи асмоуллох» («Аллох исмларининг шархи хакида рисола»),
10. «Шархи нуваду нух ном» («Аллохнинг тўксон тўккиз исмининг шархи»).
11. «Фаройизи манзума» («Назмий фарз нарсалар хакида»).

Чархийни кўпчилик факат Куръони каримга тафсир ёзган олим сифатидагина танийди. Хакикатан унинг макбараси пештокига «тафсирчи олим» деб ёзиб кўйилган. Асарлари рўйхатидан кўриниб турганидек, Чархий Накшбандия силсиласини баён килувчи алохида рисола хам ёзган. Бундан ташкари у «Рисолаи унсия» («Дўстлик хакида рисола»)ни ёздики, унда Хожа Бахоуддин билан учрашгани, унинг таълим-тарбияси ва тарикат йўлида буюрган ишларини мукаммал баён килиб, ўз устозларининг номи ва шухратларини ёйишга хизмат килди. Шунингдек, унинг каламига мерос хакидаги рисола хам мансубдир. Чархий хижрий 851, мелодий 1447 йили вафот этган. У Мовароуннахр ва Хуросонда тасаввуфнинг хаётий йўналишларидан бўлмиш Накшбандия таълимотининг кенг ёйилиши ва бу билан умумий маданий юксалиш иши йўлида хизмат килди ва бу йўлда ўз хиссасини кўшди.